


«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлигининг
жамоатчилик кенгаши раиси



Д.Якубова

2020 йил «3» декабрь

Транспорт вазирлиги Жамоатчилик кенгаши йиғилиши
БАЁНИ 1

2020 йил 3 декабрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Якубова Дилбаҳор Шариповна - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди раиси ўринбосари.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари – Т.У.Қодиров, Ш.Х.Отабоев, А.К.Калимбетов, А.О.Зоҳидов.

Иштирок этдилар: Транспорт вазири маслаҳатчиси-Д.Джалалова, Юридик бошқармаси бош юрисконсулти-А.Омонтурдиев, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари-У.Хайдарова.

КУН ТАРТИБИ:

1. Транспорт вазирлигининг умумий фаолияти, йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар;
2. Юридик бошқарма бош мутахассиси А.Омонтурдиевнинг Транспорт вазирлигида ишлаб чиқиляётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан маърузаси;
3. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ҳукумат қарорлари лойиҳаларини муҳокама этиш.

Жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) раиси Д.Якубова ўз сўзини Транспорт вазирлиги тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар хусусида бошлаб, республикамиз фуқаролари ва йўловчилари учун қулай шарт-шароитлар яратилаётгани, транспорт карталари жорий этиляётгани, электроавтобуслар синовдан ўтказилаётгани алоҳида эътиборга сазоворлиги тўғрисида билдирди.

Шунингдек, Кенгаш эътиборига Юридик бошқарма бош мутахассиси А.Омонтурдиев Транспорт вазирлиги томонидан ҳукуматимиз қарор ва топшириқларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ва ўз ташаббусига кўра қисқа фурсат ичида 50дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилгани таъкидлади.

ташаббусига кўра қисқа фурсат ичида 50дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилгани таъкидлади.

Жумладан,

- Ўзбекистон Республикаси “Транспорт тўғрисидаги” Қонуни лойиҳаси;
- Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (каботаж)” Қонуни лойиҳаси;
- Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси юзасидан батафсил маълумотларни ҳавола этди.

Кун тартибидаги масалаларни батафсил муҳокама қилиш жараёнида Кенгаш аъзолари ҳужжатлар лойиҳаларига доир масалаларни аниқлаш учун бир қатор саволар беришди ва айрим таклифларни ҳам айтиб ўтишди. Ҳусусан -

“Транспорт тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси бўйича:

Транспортда хавфсизлик, сервис хизматлари, хизматларни суғурталаш, транспорт воситалари эксплуатацияси масалалари ҳозирги кунда долзарб мавзу эканлигини инобатга олиб, уни лойиҳада кенгроқ ва аниқ ёритиш таклифи берилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (каботаж)” Қонуни лойиҳаси бўйича:

Ҳужжат лойиҳасида вазн ва габарит ўлчовлари юзасидан хорижий ташувчилар учун жорий этилаётган чеклов ва жарималар республикамиз ташувчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши, бунда жарималар тўловлари хорижий ташувчилар учун хорижий валютада маҳаллий ташувчилар учун эса миллий валютада нисбатан камроқ миқдорда белгиланиши юзасидан таклиф берилди.

Шунингдек, юк автомобилларининг вазн ва габаритларини ўлчаш чоғида коррупцияга йўл қўймаслик ва инсон омили ҳолатларини бартараф этиш тартиб-таомилларини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси:

Дронлардан фойдаланишда бугунги кунда қандай чекловлар ўрнатилгани тўғрисида савол берилди.

Фавқулодда вазиятларда ҳодиса жойига зудлик билан етиб боришда қулайликлар яратиш мақсадида вертолётлардан фойдаланиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси:

Бу қарор лойиҳаси йиғилишнинг барча иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда формали кийим бош ходимларда ўз касбига нисбатан масъулият ва жавобгарлик ҳиссини уйғотиши, уларни интизом ва тартибга чақириши тўғрисида айтиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари томонидан берилган саволларга А.Омонтурдиев томонидан аниқ мисоллар келтирилган ҳолда батафсил жавоблар қайтарилди, шунингдек, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан билдирилган барча таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинishi таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан Кенгаш аъзолари эътиборига етказилган маълумотлар ҳамда берилган саволлар ва билдирилган таклифларни муҳокама этиш натижаларига кўра, вазирлик томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари йиғилиш иштирокчилари томонидан **бир овоздан маъқулланди.**

Йиғилиш котиби



У.А.Хайдарова